"Buyuk Ipak yo'lini aslida kim boshqargan?"



БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ АСЛИДА КИМ БОШҚАРГАН?

Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ,
ЎзФА Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор

Айнан Турон аҳли — ота-боболаримиз тижорат ва тадбиркорлик бобида тенгсиз маҳорат эгалари бўлишган. Улар савдо-сотиқ ва ишбилармонликда Каспий ва Амударё бўйларидан то Хитойнинг Гансу вилоятидаги Хэси йўлагигача етакчилик қилган.


Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳаётида муҳим ўрин тутган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик савдо йўлларн тизимига милоддан олдинги 3000-2000 йилликларда, яъни 4000-5000 йиллар бурун асос солинган. Хитойлик-

сиёсат ва иқтисод борасида ўзаро ҳамкорликсиз иш юритмаган. Улар ташқи олам билан боғланишда доимо бир-бирларини қўллаб турган. Бу эса ўлкамизнинг бус-бутун манфаатларидан келиб чиқадиган сиёсат эди. Жумладан, Хитойнинг "Таншу" йилномасига кўра, 618-626 йилларда Судуйшана, яъни Уструшона ва Кан, яъни Самарқанд, 627 йили Уструшона, Бухоро, Самарқанд ва Иштихон биргаликда ўз савдо карвонлари ва элчиларини Хитойга жўнаттан.

Халқаро савдода Туроннинг ҳар бир бўлаги ўз маҳсулоти билан машҳур бўлган. Жумладан, Самарқандннг сархил қуруқ ва хўл мевалари, отлари, Чочнинг кумуш, мис, феруза тошлари, Тохаристон чорва маҳсулотлари ва қизил ҳамда зумрад рангли шишалари, Фарғонанинг

аҳолининг минтақавий этномаданий алоқалари янада кучайди. Туроннинг деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда савдо бобидаги маҳорати, шаҳарсозлик маданияти кўчманчи ва ярим кўчманчиларнинг ўтроқлашувига ижобий таъсир этади. Хитой сайёҳи ва роҳиби Сюань Цзан Еттисув аҳолиси бўлган туронликларни савдода маҳоратли, юксак маданият соҳиблари, деб атайди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, "Балосоғунда ўтроқлашган сўғдаклар Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги Сўғддан бўлиб, худди турклардек кийинадилар ва ўзларини упардек тутадилар".

Турон ерндан ўтган савдо йўлларидан сурёнийлар, форслар, ҳиндлар ҳам фаол фойдаланганликларини айтиш лозим. Негаки улар учун ўз маҳсулотларини катта бозорларга олиб бориб сотиш, у ердан нималарнидир ўз юртларига



киритилгани икки томонлама савдо-сотиқнинг аҳамияти қанчалар улуғ бўлганини исботлайди, албатта. Шу билан бирга, туронликлар учун Чин юрти билан савдо қилиш осон кечмагани ҳам бор гап. Тарихчи Хоу Жэнчжининг ёзишича, хитойлик маъмурлар "тўлов йўқ — савдо йўқ, тўлов бор — савдо бор" сиёсатини юритган. Шундай бўлса-да, тарихчилар Ванг Чжэнгя, Гуан Ляоки, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ кабилар "Хитой ва